11.15 "Язь против елмы"
11.45 "Рейтинг Баженова". Война миров
12.15 X/ф "Нулевой километр"
14.00, 20.40, 23.15 Большой спорт
14.25 Первые Европейские игры.
17.15 X/ф "Смертельная схватка"
20.55 Церемония закрытия Первых Европейских игр.
23.40 X/ф "Книга Илая"
01.45 X/ф "Война Богов. Бессмертные"
03.40 "ЕХперименты". Необычные здания мира
05.05 "Мастера". Военный водолаз
05.35 "Максимальное приближение". Экстрим по-каталонски
06.00 X/ф "Пыльная работа"

● ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фаргона филиали жамоаси Фаргона шаҳар ПАТ ходими Ҳаётхон ҲАМДАМОВани 50 ёши билан чин дилдан табриклайди. Унга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, фарзандлар роҳатини кўришини тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фаргона филиали жамоаси Бувайда ТБ ходими Рўзибой АКБАРОВни муборак 60 ёши, Фаргона ШТБ ходими Фарихон РУСТАМОВани 50 ёши билан самимий табриклайди. Уларга узоқ умр, фарзандлар камолини кўришини тилайди.

DASTURIY MAHSULOT

"Электрон маҳалла" ахборот тизими дастури

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг "Электрон маҳалла" ахборот тизими дастури ишлаб чиқилди.

Ушбу тизим ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини қоғозсиз иш юритиш технологияси бўйича автоматлаштирилади ҳамда органлар фаолиятида ижтимоий-иқтисодий вазифалар бошқарувини автоматлаштириб, маҳалла фуқароларининг ижтимоий ҳаётида ахборот технологияларидан фойдаланишни таъминлайди.

Давлат органлари қарор ва вазифаларини амалга оширишда жамоатчилик иштирокини автоматлаштириш билан маҳаллаларда ахборот-телекоммуникация инфраструктурасини ривожлантиради.

"Электрон маҳалла" ахборот тизими ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти жараёнида келиб чиққилган қуйидаги масалаларни автоматлаштирилади: маҳаллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш; ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқаролар, юридик шахслар, ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар ва ҳоказолар билан телекоммуникация тармоқлари ёрдамида ўзаро ҳамкорлик қилади, давлат ҳокимияти органлари билан ахборот алмашишини йўлга қўяди. Тизимни веб-технология асосида интернет тармоғида ёки алоҳида компютерда автоном ҳолда ишлатиш мумкин.

Дастур муаллифлари Х.Зайнидинов, Ж.Карабасов ва О.Мамировлар ушбу дастур учун DGU 03105 рақамли гувоҳнома олишди.

ELEKTRON TO'LOV

Интернет орқали тўловчилар сони кўпаймоқда

Ўзбекистонда электрон тижорат соҳасидаги хизматлар сони ортиб борапти ва бугунги кунда Uzcard карточкалари эгалари харид ва хизматлар учун қўдан чиқмаган ҳолда интернет орқали тўловларни амалга ошироқдалар.

Интернет орқали тўловни амалга оширишнинг бир қатор афзалликлари бор. Хусусан, дунёнинг ихтиёрини нуқтасидан кун давомида 24 соат мобайнида, навбат кутиб турмасдан, осон ва тезкор тарзда ўз ҳисобрақамини бошқариб туриб, тўловни амалга ошириш имконияти мавжуд.

Интернет ва мобил банкинг тизими орқали коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш оммавийлашмоқда, шу билан бирга, IQ-Front тизимига уланган мобил терминаллар орқали ҳам тўлаш имконияти пайдо бўлди. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида инфокиосклар, IQ-Front терминаллари ва Uzcard мобил иловаси орқали электр энергияси учун карточка эгалари 124,8 минг транзакция амалга оширишган.

"Xabar" ҳақида қандай фикрда сиз?

Ҳурматли газетхонлар!

Сизнинг фикрингиз газетанинг мазмун ва миқдори жиссини бойитишда жуда муҳим. Шў боис қуйидаги саволларга ўз муносабатингизни билдиришингизни сўраймиз.

1. Бандлигингиз:
 - а) ишлайман
 - б) ўқийман
2. Қайси соҳада ишлайсиз/ўқийсиз?
 - а) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари
 - б) бошқа
3. Маълумотингиз
 - а) ўрта
 - б) ўрта-маҳсу
 - в) олий
 - г) ўқийман
4. "Xabar" газетасида қайси руқлар остидаги мақола, хабарларни ўқиб сизга қизиқарли?
 - * Республикамизда
 - * Жараён
 - * Алоқа оламида
 - * Навост в сфере ИКТ (русча саҳифа)
 - * Саломатлик
 - * Маънавият
 - * Спорт
 - * Дам олиш саҳифаси
 - * Касаба уюшмалари ҳаётидан
 - * Назорат
 - * Магистр минбари
 - * Семинар ва конференциялар
 - * Миллий дастур амалда
 - * Алоқа корхоналарида
 - * Жаҳон почтаси
 - * Бошқа
5. Юқорида берилётган қайси руқлар остидаги мақола ва хабарлар яхши ёритилмайдими?
 - а) ҳа
 - б) йўқ
 - в) аҳамиятсиз
6. Газетанинг даврийлиги сизни қониқтирадими?
 - а) ҳа
 - б) йўқ
 - в) аҳамиятсиз
7. Қандай даврийлиги сизни қониқтиради?
 - а) ҳафтада икки бор
 - б) ҳафталик
 - в) ойига икки бор
 - г) ойлик
8. "Xabar" газетасининг формати сизни қониқтирадими?
 - а) ҳа
 - б) йўқ, жудаям катта
 - в) аҳамиятсиз
9. Нархи сизни қониқтирадими?
 - а) ҳа
 - б) йўқ
 - в) газета қанча туришини билмайман
 - г) аҳамиятсиз
10. Газетанинг дизайни сизга ёқадими? Дизайни газетанинг мазмунига мосми?
 - а) ҳа
 - б) йўқ
 - в) қисман
 - г) газетанинг дизайнига эътибор бермайман
11. Газетани ўқийда диққатини жамлаш осонми?
 - а) ҳа, кўрсаткичлар ўз ўрнида ишлатилган
 - б) йўқ, керакли маълумотни топиш қийин
 - в) қисман
12. Ўзбек тилида берилган мақолаларни рус тилида (ёки аксинча) такрорлаш керакми?
 - а) ҳа
 - б) йўқ
 - в) аҳамиятсиз
13. "Xabar" газетаси бошқа нашрлардан нимаси билан фарқ қилади?
 - а) ўзига хос
 - б) ҳар доим энг сўнги хабарлар
 - в) мустақил нигоҳ
 - г) мақолалардаги қизиқарли услуб
 - д) ташқи кўриниши (дизайн)
 - е) ҳеч нимаси билан
 - ж) бошқа
14. Соҳанинг яна қайси нашрларини доимий ўқиб борасиз?
 - а) ICTNEWS
 - б) Infocot.uz
 - в) Kutubxona.uz
 - г) Ахборот-коммуникациялар, Тармоқлар, Технологиялар, Ечимлар
15. Бошқа газета, журнал, сайтлардан кўчирилётган мақолалар мавжудми?
 - а) ҳа
 - б) йўқ
 - в) қузатмаганман
16. Газеталарда нималар сизни кўпроқ қизиқтиради?
 - а) доим хабардор бўлиш, масалан, мамлакатимизда ва хорижда нималар юз бераётгани
 - б) кўнгилочар мавзулар
 - в) қарор қабул қилишда кўмак, масалан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида муаммоли масалалар ечимда маслаҳатлар
 - г) таълимда кўмак
 - д) бошқалар
17. "Xabar" газетасида яна қандай руқларни ташкил қилишини истардингиз?
 - * Об-ҳаво
 - * Статистика
 - * Бизнес-таҳлил
 - * Валюталар курси
 - * Алоқа соҳасидаги бўш иш ўринлари ҳақида эълонлар
 - * Санъат
 - * Афишалар
 - * Мақолаларга изоҳлар
 - * Инглиз тили дарслари
 - * У ёки бу соҳадаги билимни тестдан ўтказиш
 - * Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги янгиликларини таҳлили
 - * Алоқа соҳасидаги қонунчилик янгиликларини таҳлили
 - * Болалар саҳифаси
 - * Кўнгилочар саҳифа
 - * Очерклар
 - * Алоқа соҳасида савол-жавоблар
 - * Почта алоқаси йўналишида қизиқтирган саволлар бўйича маслаҳатлар
 - * Бошқа
18. Газета рейтингини ошириш учун таклифларингиз...

Азиз газетхонлар!

Саволларга жавобларингизни info@xabar.uz электрон почтамызга ёки мактуб орқали 100043, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-ўй почта манзилмизга ва 0-371-288-40-72 рақамли факсга шў йилнинг 19 июлига қадар йўллашингиз мумкин. Шўнингдек, ушбу саволлар газетанинг xabar.uz веб-сайтида ҳам жойлаштирилган.

Жавобларингизни кўтамыз!

Қайси мутахассисликни танлайсиз?

Хорижда ўқимасдан туриб халқаро мутахассис дипломига эга бўлиш мумкин

Олий ўқув юртралида қабул жараёнига тайёргарлик айна эбжигга чиққан. Абитуринтлар ҳам кириш имтиҳонларига тайёргарликнинг сўнгги палласида туришибди. Қайси ўқув даргоҳига ҳужжат топширишни кимдир ўзи учун аниқлаштириб олган бўлса, кимдир ҳали бу ҳақда яқиний танловга калгани йўқ.

Ёшлар орасида халқаро мутахассисликка эга бўлишни истовчилар кўпчиликини ташкил этади. Бунинг учун хорижга чиқиб таълим олиш шарт эмас. Юртимизда жаҳоннинг нуфузли университетлари филиаллари очилган. Ушбу ўқув даргоҳларининг аксариятида ахборот технологиялари йўналишларида мутахассислар тайёрланади. Газетанинг ёш муштарийлари талабидан келиб чиқиб, пойтахтимиздаги хориж олий ўқув юртрали, улардаги йўналишлар ҳамда ҳужжат топшириш тартиблари ҳақида маълумот берамиз.

Халқаро Вестминстер университети

Халқаро Вестминстер университети 2002 йили ташкил этилган. Расмий веб-сайти: wint.uz

Университетда қуйидаги йўналишларда таълим олиш мумкин:

Бакалаврият:

1. Бизнесни бошқариш;
2. Иқтисодиёт;
3. Иқтисодиёт ва молия;
4. Тижорий ҳуқуқ;
5. Бизнесда ахборот тизимлари.

Магистратура:

1. Халқаро бизнес ва менежмент;
2. Халқаро тижорий ҳуқуқ.

2015/2016 ўқув йилида 700 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилган. Талабалар қабулдан сўнг ўқув йўналишини танлаш ҳуқуқига эга.

Таълим тўлиқ инглиз тилида олиб борилади.

Бакалавриятга кириш учун математика фанидан имтиҳон топширилади, шунингдек, IELTS сертификатига (камида 5,5 балл) эга бўлиш лозим.

Бакалавриятга ҳужжатлар февралдан июлга қадар қабул қилинади. Имтиҳонлар ҳар ойда ўтказилади. Навбатдагиси 8 июлга белгиланган.

Имтиҳонларга кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар университет сайти орқали топширилади. Талабалар тўлов-контракт ва бюджет асосида ўқишга қабул қилинади.

Бакалаврият тўлов-контракт суммаси: 5 220 АҚШ доллари

Магистратура тўлов-контракт суммаси: 5 130

АҚШ доллари

Тошкентдаги ИНҲА университети

Тошкентдаги ИНҲА университети 2014 йили ташкил этилган.

Расмий веб-сайти: infa.uz

2015/2016 ўқув йилида қуйидаги факультетларга талабалар қабул қилинади:

■ Department of Information and Communication Engineering — 120 нафар талаба;

■ Department of Computer Science and Engineering — 130 нафар талаба.

Таълим даври — 4 йил.

Дарслар инглиз тилида олиб борилади.

Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлардан топширилади:

- математика;
- физика.

Ҳужжатлар топшириш муддати: 6.04.2015 — 17.07.2015.

Ҳужжатлар университет веб-сайти орқали топширилади.

IELTS сертификатига эга бўлмаган абитуриентлар 5 июл куни инглиз тилидан имтиҳондан ўтадилар.

Математика ва физика фанидан имтиҳон вақти: 26.07.2015.

Бюджет асосидаги ўринлар сони — 10.

Бир академик ўқиш йили учун тўлов-контракт суммаси: 5 000 АҚШ доллари (Марказий банк курси асосида)

Ломоносов номидаги МДУ филиали

Тошкентдаги Ломоносов номидаги Москва Давлат университети филиали 2006 йили ташкил этилган. Расмий веб-сайти: msu.uz

2015/2016 ўқув йили учун талабаларни қабул қилиш режаси:

Бўлимлар	Ўринлар сони	
	Бюджет	Контракт
Амалий математика ва информатика	16	24
Психология	16	24

Таълим даври — 4 йил.

Дарслар рус тилида олиб борилади.

Амалий математика ва информатика йўналишига қуйидаги фанлардан имтиҳон топширилади:

- Математика;
- Рус тили;
- Информатика.

Ҳужжатлар 20 июндан 1 июлга қадар топширилади.

Тўлов-контракт суммаси: 8 000 000 сўм.

Турин политехника университети

Турин политехника университети 2009 йилдан буён фаолият кўрсатади. Расмий веб-сайти: polito.uz

2015/2016 ўқув йилида қуйидаги йўналишларда талабалар қабул қилиш режалаштирилган:

Йўналишлар	Ўринлар сони
Ахборот технологиялари ва сановатлаштиришда АСУ	50
Сановат-фурқаролик қурилиши ва архитектура	25
Машинасозлик технологияси	150
Энергетика	25

Ҳужжат топшириш учун аввало онлайн рўйхатдан ўтиш лозим. Сўнгги муддати: 26 июн.

Буни икки услубда амалга ошириш мумкин:

- admission.polito.uz сайтидаги рўйхатдан ўтиш формасини тўлдирish орқали;
- қабул комиссияси офисидаги компютердан фойдаланган ҳолда.

Шундан сўнг керакли ҳужжатлар қабул комиссиясига топширилади (1 майдан 26 июнгача).

Имтиҳонлар қуйидаги фанлардан топширилади:

- математика;
- физика;
- мантик.

2015 йилнинг 3 августига қадар IELTS сертификати тақдим этилиши лозим, акс ҳолда абитуриент ўқишга қабул қилинмайди.

Таълим даври — 4 йил.

Дарслар инглиз тилида олиб борилади.

Тўлов-контракт суммаси: 5 000 АҚШ доллари.

Сингапур менежментни ривожлантириш институти

Мазкур институт 2007 йили ташкил қилинган. Расмий веб-сайти: mdis.uz

Бакалавриятга қуйидаги йўналишларга талабалар қабул қилинади:

Сандерленд университети аккредитацияси:

1. Бухгалтерлик ҳисоби ва молия;
2. Бизнесда ахборот технологиялари;
3. Бизнес ва корхона бошқаруви;
4. Бизнес ва молия менежменти;
5. Бизнес ва маркетинг менежменти.

Бангор университети аккредитацияси:

1. Банк иши ва молия;
2. Сановат менежменти;
3. Бизнес иқтисодиёти;
4. Молия, инвестициялар;
5. Халқаро туризм ва менежмент.

Магистратура йўналиши (Сандерленд университети аккредитацияси):

1. Халқаро туризм ва меҳмонхона менежменти;
2. Молия;
3. Маркетинг.

Бакалавриятда таълим даври — 4 йил, магистратурада: 15 ой.

2015/2016 ўқув йилига қабул режаси — 700 нафар.

Таълим инглиз тилида олиб борилади.

Ўқишга кириш учун IELTS сертификати (5,5 балдан кам бўлмаган) бўлиши лозим. Ушбу сертификатга эга бўлмаган абитуриентлар институтнинг ўзида тилдан имтиҳон топширадилар. Ҳужжатлар 1 майдан 17 июлга қадар топширилади.

Бюджет ўринлари мавжуд эмас. Тўлов-контракти: 5 000 АҚШ доллари.

Юртимизда, шунингдек, И.М.Тўбкин номидаги Россия Давлат нефть ва газ университети ҳамда Г.В.Плеканов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкентдаги филиаллари ҳам мавжуд. Аммо ушбу олий ўқув юртралида ахборот технологиялари йўналишидаги иқтисодчилар мавжуд эмас.

Лутфилло ТУРСУНОВ тайёрлади

IP ТЕХНОЛОГИЯСИ

асосида замонавий хизматлар

Интернет тармоғи ва хизматларининг охириги йилларда жадал суръатларда ривожланиши IP технологияси асосида тармоқларни кенгайтириш, IP тармоқ терминал қурилмаларини кенг омма учун ишлаб чиқиш, бу тармоқлар ва қурилмаларда хизмат кўрсатиш сифатини назорат қилиш усуллари яратишни шарт қилиб қўйди.

Бугунги кунда телекоммуникация операторлари томонидан абонент талабига мос равишда хилма-хил хизматлар тақдим этилмоқда. IMS концепцияси асосида замонавий тармоқларнинг ривожланиши барча хизматларни ягона IP технологияси асосида барча тармоқларда таъминлаш имконини беради. Тақдим этиладиган хизматлар сифатида қуйидаги инфокоммуникация хизматлари келтирилган:

1. Электрон почта хизматлари — электрон почта, электрон тарқатиладиган газеталар ва материаллар, жўнатмаларнинг ҳаракатини интернет орқали назорат қилиш, назоратни телефонга жўнатиш, почта товарларини таклиф қилиш.

2. Ахборот хизматлари — матнли, овозли ва тасвирли ахборотларни тақдим этиш хизматлари, рекламалар.

3. Корпоратив хизматлар — корпоратив мижозларга тақдим этиладиган барча хизматлар.

4. Интерактив хизматлар — интерактив суҳбат, телевидение, 3D Media хизматлари ва бошқалар;

5. Банк-молия хизматлари: электрон тўлов карточкалари орқали нақдсиз тўловларни амалга ошириш, электрон пул ўтказиш, тўловларни қабул қилиш.


6. Операторлик хизматлари: интернет хизматлари, ҳар хил абонент кириш каналларини тақдим этиш.

7. Мултимедиа хизматлари: IP-телефония (Интернет-телефония), овозли почта, масофавий ўқитиш, телетиббиёт ва бошқалар.

8. IP-Centrex/АТС бошқаруви — IP-Centrex хизматлар тўплами, виртуал IP-КАТС хизматлари.

9. VPN — виртуал шахсий тармоқлар хизматлари — ҳимояланган интернет тармоғи орқали маълумот алмашишни таъминлаш.

10. Маълумотларни узатиш хизматлари — бугунги кунда ушбу хизматта 1 Мбит/с. дан 400 Мбит/с. гача



бўлган тезликда интернетга кириш, Web-хостинг, FTP-хостинг, шунингдек, 10 Гбит/с. тезликда шаҳар миқёсида корпоратив локал тармоғини шакллантиришлар қиради.

11. IP Call Center — IP асосидаги тармоқлар учун хизматлар кўрсатиш маркази. Марказ сифатли хизмат кўрсатишни, турли хизматларга бўлган талабни таъминлашга йўналтирилган тизим ҳисобланади.

IP технологияси асосида юқорида келтирилган хизматларни таъминлашда қуйидаги протоколлар ва технологиялар кенг қўлланилади:

■ Интернет тармоғи протоколлари: IP, ICMP, TCP, UDP.

■ Реал вақт тартибини бошқарувчи транспорт протоколлари: RTP, RTCP.

■ Сўров сигналлари узатилишини таъминлайдиган протоколлар: SIP, H.323, SIGTRAN, MEGACO/H.248, MGCP, RSVP, SCTP, ISUP, BICC, SCCP, INAP.

■ Маршрутлаш протоколлари: RIP, IGRP, OSPF, IS-IS, EGP, BGP, IDRP, TRIP

■ Тармоқ хизматларини бошқариш протоколлари: SLP, OSP, LDAP, SNMP.

■ Хизматларни тақдим этиш амалий поғона протоколлари: FTP, SMTP, HTTP, кодеклар — G.xxx, H.xxx, факс T37, T.38, IRP, NNTP.

Шуни таъкидлаш жоизки, хизматларни тақдим этиш асосан интернет протоколлари негизда ташкил этилади. IMS концепцияси асосида тармоқларнинг ривожланиши стационар, мобил ва симсиз тармоқларнинг ягона IPга ўтишини таъминлайди.

**Хуриш ШЕРБОБОВ,
ТАТУ 2-босқич магистранти**

АКТ-ХАБАРЛАР

Ўзбекистонлик ишбилармонлар Кремний водийсига ташриф буюради

Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциацияси томонидан Ўзбекистон тарихида илк мартаба маҳаллий ишбилармонларнинг Калифорния штатига, жумладан, машҳур Кремний водийсига танишув сафари уюштирилади.

19-29 июл кунларига мўлжалланган ушбу саёҳатда ишбилармонларимизнинг менежмент ва стратегик бошқарув масалаларида АҚШдаги энг йирик компаниялар тажрибасини ўрганиши, Кремний водийси, Стэнфорд университети ташриф буюриши, машҳур компанияларнинг топ-менежерлари, инвесторлар ва тармоқ экспертлари билан учрашиши режалаштирилган.

Суд департаментида АКТ

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг суд департаменти томонидан суд ва бошқа органларнинг қарорларини ижро этиш, шунингдек, соҳада замонавий АКТни жорий этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Хусусан, солиқ ва коммунал тўловлари бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг қарзларини ундириш масаласи муҳокама қилинди.

Аниқ мисолларда қарздорларнинг мулкни қидириш бўйича Тошкент Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси билан электрон маълумотлар алмасуви намойиш этилди. Шунингдек, тadbир доирасида белгиланган муддатда суд департаменти вазифаларининг ижросини таъминлайдиган ягона компютер тармоғининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

BIR VILOYATDAN IKKI XABAR

Таклиф синовга қўйилди

Наманганлик алоқачилар аҳолига янада қулайлик яратиш ниятида янгидан-янги хизмат турларини ҳаётга татбиқ этишяпти. "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали маълумотлар узатиш тармоғини бошқариш бўлимининг бошлиғи Ж.Якубаев томонидан билдирилган таклиф ҳаммага маъқул бўлди.

Унга қўра, электр таъминотида бўлиб турадиган узилишлар ҳамда станцияларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлашда аккумулятор қурилмаларидан самарали фойдаланиш даркор.

Аҳолига сифатли алоқа хизматини кўрсатиш учун аналогли узатиш тизимларида ишлатиладиган МКС4х4х1.2 русумли симметрик кабеллар ёрдамида масофадан электр таъминотини йўлга қўйиш керак.

Шу орқали кабелнинг кириш қисмига юборилаётган керакли кучланиш аналогли АТСлар тўхтатилиши натижасида фойдаланилмай турган ВУК-67/70 русумли тўғрилагич кўмагида кучланишни созлайди ва керакли натижани беради.

Шу тариқа чекка ҳудудларда электр энергияси таъминотида узилишлар юзага келган вақтларда ҳам мижозларга узлуксиз ва сифатли алоқа хизматларини амалга ошириш имконияти бўлади.

Айни кунларда Наманган шаҳридан 1,5 километр узоқликдаги 1408 рақамли сизимга эга бўлган Баҳор MSAN станциясида синов ишлари олиб борилмоқда.

Ҳам тез, ҳам қулай

Кўрсатилаётган алоқа хизматларидан истеъмолчиларнинг қониқишлари қай даражада? Шу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топиш "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали маркетинг бўлими ҳамда Наманган шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг "Ягона ойна" тамойилидаги хизматлар кўрсатиш офиси мутасаддиларининг доимо диққат марказида.

Мулоқотнинг бу галгиси Наманган туманидаги Шербулоқ қишлоғи аҳолиси билан бўлди.

Сўнгги йилларда қишлоқ тубдан ўзгариб, ҳар соҳада илгарилашга эришди. Эндиликда бу ерда 2,5 мингдан зиёд киши истиқомат қилмоқда. Мактаб, болалар боғчаси, ўнлаб маданий-маиший шохобчалар, фармацевтика йўналишидаги "МЕДФАРМ" корхонаси қишлоқ аҳли хизматида.

Энди биргина масаланинг ечимини топиш қолганди. У ҳам бўлса, ҳудудда симли алоқа тармоғини фойдаланишни йўлга қўйиш.

Аҳоли фикрини ўрганиш маркази мутахассисларининг шаҳар телекоммуникациялар боғламаси тасаруфидagi "Шербулоқ" мини АТСида аҳоли билан юзлашишдан мақсадлари ҳам шу эди.

Ташкилотчилар йиғилганларга филиал томонидан кўрсатилаётган алоқа хизматлари тўғрисида маълумотлар беришди. Хизматлар тарифларини акс эттирувчи реклама-флайерлар тарқатилди.

Шундан сўнг, ҳудуддаги фуқаролардан тушган аризалар бўйича 48 киши телефон, 1 киши IPTV хизмати ҳамда тўрт нафар фуқаронинг интернет хизматидан фойдаланиш талаблари қондирилиб, шу жойнинг ўзида расмийлаштириб берилди.

Келгусида бу жараён изчиллик билан давом эттирилиши ҳусусида келишиб олинди.

**Аҳмаджон ТҮЙЧИБОВ
Наманган вилояти**

Маълумотларга қўра, юртимиз аҳолисининг 40 фоизини болалар ташкил қиларкан. Республикамизда келажагимиз ворислари бўлган ёш авлоднинг таълим олиши, тарбияси, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маънавиятини юксалтиришга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Истиқлол йилларида бола ҳуқуқларига оид юздан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган, республикамиз болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир 38та халқаро ҳужжатлар иштирокчиси ҳисобланади. Пировардида ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган мустақкам ҳуқуқий база яратилди.

Тарбия кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39, 41, 45, 64, 65-моддаларида болаларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг устувор ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Хусусан, 65-моддада оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Оила, Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал, Меҳнат, Уй-жой, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида бола ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган юздан ортқ метёрлар мавжуд. Жумладан, 1997 йил 1 мартдан кучга кирган Фуқаролик кодексига болаларда муомала лаёқатининг пайдо бўлиши, уларнинг мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлари белгилаб берилган бўлса, Меҳнат кодексига 18 ёшга етмаган шахсларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари, ишга қабул қилишда берилмайдиган кафолат ва имтиёзлар мустақкамлаб қўйилган.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил қилинадиган тадбирларда иштирокчилардан айримлари болалар, вояга етмаганлар, ўсмирлар ва ёшлар тушунчаларига изоҳ бериб ўтишни илтимос қилдилар. Шу ўринда мазкур тушунчаларнинг қонунчиликдаги шарҳларига эътибор қаратсак. Бола тушунчасига 2008 йил 7 январда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида аниқ тариф бериб ўтилган. Унга қўра, 18 ёшга тўлгунга қадар бўлган шахслар бола деб аталади. Вояга етмаган — 18 ёшга тўлмаган шахс ҳисобланиб, мазкур қонда 2009 йил 29 сентябрда қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар ёшлар сифатида эътироф этилиши кўрсатиб ўтилган. Эътиборлиси, миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган мазкур метёрлар бола ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга тўла мос ва ҳамохандир.

Фарзандларимизнинг муносиб таълим-тарбия олишлари, соғлом ва баркамол, ақд-заковатли бўлиб вояга етишларида кенг қамровли дастурларнинг тизимли равишда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда мисолларга мурожаат қилсак. Кейинги йилларда республикамизда гўдаклар ўлими 3,2 бараварга камайган. "Она ва бола скрининги" дастури амалга оширилиши натижасида туғма ногирон болаларнинг дунёга келиши 2000 йилдан буён 1,8 бараварга пасайган. Бугунги кунда Ўзбекистон болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича миллий моделнинг амалга оширилиши туғайли Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторига кирди.

Шаҳло КҮЧИМОВА,
Тошкент шаҳар Мирзо Удуғбек тумани
1-Давлат нотариал идораси нотариуси

■ ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Дониёр ИСАМИТДИНОВ номига берилган 693-08 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ"

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ 2015 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН БОШЛАБ
ҚҲЙДАГИ ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН
ТАРИФЛАР ЎЗГАРТИРИЛГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ



1. Телекоммуникациянинг универсал хизматлари тарифлари

1.1. Умумий фойдаланишдаги маҳаллий телефон тармоғи хизматлари учун тарифлар

Хизмат турлари	Тўлов миқдори, сўмда					
	Бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилотлар		Бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилотлар		Аҳоли	
	абонент тўлов тизими бўйича	вақтбай тўлов тизими бўйича	абонент тўлов тизими бўйича	вақтбай тўлов тизими бўйича	абонент тўлов тизими бўйича	вақтбай тўлов тизими бўйича
Якка тартибда симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланган асосий телефон апаратидан фойдаланганлиги учун абонент тўлови						
шаҳар телефон тармоғида	2705	2530	4720	3340	2690	2040
қишлоқ телефон тармоғида	1335	920	2905	2060	1325	900

Белгиланган абонент тўлови ва сўзлашувларнинг ўрнатилган бир ойлик 180 дақиқа лимитидан ташқари, абонент томонидан шахсий фойдаланишдаги (телефон тармоғига абонент линияси орқали уланган) телефондан амалга оширилган сўзлашувнинг ҳар бир тўлиқ ва тўлиқсиз дақиқаси учун вақтбай тўлови 9,0 сўм миқдориди белгиланди.

1.2. Республика ичидagi телеграф алоқаси хизматлари

Хизмат турлари	Тўлов миқдори, сўмда	
	Корхоналар	Аҳоли
Телеграммадаги битта сўз учун тўлов		
оддий	90	37
шошилич	184	184
Телеграммаларнинг барча турлари ва тоифалари учун телеграф йиғимлари	184	184

1.3. Халқаро алоқа хизматлари

Хизмат турлари	Сўзлашувнинг ҳар бир тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган дақиқа учун тўлов миқдори, сўм
1. Халқаро телефон алоқаси хизматлари	
Марказий Осиё (Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон)	500
Кавказ (Арманистон, Озарбайжон, Грузия)	625
Россия, Украина, Беларус, Молдова	550

Бошқа универсал хизматлар учун тарифлар ўзгармаган.

2. Айрим телекоммуникация хизматлари тарифларининг чекланган даражалари

- бир йўналишдаги ижарага берилган каналлар сонига нисбатан дифференцияланган, камайтирилган тарифлар амалга киритилди;
- ҳўжалик ҳисобидаги (тижорат) корхоналар учун STM-4 узатиш тезлигидаги шаҳарлараро телефон каналлар ижараси тарифлари 40 фоизга оширилди;
- телеграф алоқа хизматлари тарифлари 20 фоизга оширилди.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ!

Телефон тармоғига улаш учун рўйхатга олиш тўлови ва телефондан фойдаланишдаги тўловларга ўрнатилган имтиёзлар ўз кучини сақлаб қолади.

Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлашни унутманг!

Хизматлар лицензияланган.



АЛОҚАСИ ЛУҒАТИ

■ **Абонент** (*en — subscriber, ru — абонент*) — хизмат кўрсатувчи ахборот объекти (тизим, тармоқ, мажмуа) билан ўзаро ишлаш ҳуқуқига эга қурилма, юридик ёки жисмоний шахс. Абонентнинг ҳар қандай фойдаланувчи билан фарқи шундаки, у хизмат кўрсатувчи ахборот объекти фойдаланувчилари рўйхатига киритилган бўлади.

■ **Абонентлар гуруҳи** (*en — fleet of users, ru — группа абонентов*) — битта частотада ишлайдиган ва тармоқнинг ажратилган ресурсларидан фойдаланиш умумий ҳуқуқларига эга бўлган мобил абонентлар тўплами. Атама абонентлари одатда гуруҳларга бўлинган ва гуруҳларнинг ҳар бирига ишчи канал доимий бириктириб қўйилган конвенционал ва транкинг радиоалоқалар учун ишлатилади.

■ **Абонентлар даражасизлиги шаффофлиги** (*en — user transparency, ru — прозрачность на уровне абонентов*) — Абонентларнинг турган жойи ва тармоқ топологиясидан қатъи назар, уларнинг тармоққа улашиш имконияти.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг мини-футбол бўйича кўчма кубоги учун Тошкент шаҳар алоқа корхоналари ўртасида ўтиш турнири якунланди.

Мусобақанинг гуруҳ ўйинлари натижалари ҳақида газетанинг ўтган сонда хабар берган эдик. Шундай қилиб, ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринларни олган жамоалар мусобақа ғолиблиги учун курашни давом эттиришди.



Мухлислар баҳси



Ёрқин финал!

"Электрон ҳукумат" маркази жамоаси — ўтиш турнири ғолиби

Чорак финал

Ўтиш турнири ўзининг тенгқурашли, жозибали ўйинлари билан қизиқарли ўтади. Сабаби бу ерда яққол фаворит йўқ, жамоаларнинг кучи бир-бирига яқин, тактик кураш иккинчи даражага ўтиб, маҳорат, ҳиссиёт ва иштиёқ асосий даражага кўтарилди. Шу туфайли қутилмаган натижалар, ўйин суръатининг кескин ўзгариши, баҳс давомида устунлиқнинг бир жамоадан иккинчи томонга ўтиб кетиши каби ҳолатлар кузатилади бу турнирда.

Чорак финал баҳслари ҳам шундай томошабоп ўйинларга бой бўлди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди:

Мониторинг маркази — ТШПТ-2 — 2:2 (пеналтилар бўйича 5:4)

Электрон ҳукумат — ALSKOM — 3:2

МАТБ (ҳарбий қисм) — ЭМММ — 5:1

УМС — Uzmobil — 3:5

Ярим финал

Агарда чорак финалда айрим жуфтликлар ўртасида қайсидир томоннинг устунлиги бироз сезилган бўлса, ярим финалдаги баҳсларда яққол тенглик кузатилди. Ҳар икки ўйинда ҳам асосий вақтлар дуранг билан якунланди. Финалчилар номи пеналтилар сериясида аниқланди:

Мониторинг маркази — МАТБ — 2:2 (пеналтилар бўйича 2:3)

Электрон ҳукумат — Uzmobil — 1:1 (пеналтилар бўйича 4:3)

3-ўрин учун

Одатда финал йўлланмасини бой берган жамоалар тушкунлик туфайли 3-ўрин учун баҳсда иштиёқ кўрсата олишмайди. Айниқса, бу йўллан-

малар пеналтилар сериясида бой берилган бўлса, янада аламли. Бироқ "Мониторинг маркази" ҳамда Uzmobil жамоалари 3-ўрин учун баҳсни шунчаки расмиятчилик учун ўтказишмади. Жамоалар мусобақани қандай иштиёқ билан бошлаган бўлса, шундай тугатишга қарор қилишди. Бироз устунликка эришган "Мониторинг маркази" жамоаси турнирнинг фахрли 3-ўринини қўлга киритди.

Мониторинг маркази — Uzmobil — 2:1



Финал

Мусобақанинг бир неча йиллик тарихида бундай ёрқин финал кам кузатилган. Нафақат жамоалар, балки мухлислар ҳам финал баҳсига жиддий тайёргарлик кўришди. ТАТУ спорт зали трибуналарининг бир тарафи ҳарбий қисм аскарлари билан тўлган бўлса, иккинчи томонни "Электрон ҳукумат" маркази ишқибозлари тўлдиришди. Уларнинг ўйин давомида қўллаб-қувватлашлари остида жамоалар ёрқин ўйин намойиш этиб беришди.

Бунёд РИЗАЕВ, "Электрон ҳукумат" жамоаси аъзоси:

— "Электрон ҳукумат"ни ривожлантириш маркази ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шу сабабдан биз ушбу мусобақада биринчи бор иштирок этдик. Илк иштирокимиз бўлишига қарамасдан, финалга қадар етиб келдик. Ҳал қилувчи баҳсда эса ҳарбий қисм жамоаси билан жуда қийин баҳсда ғалаба қозона олганимиздан бениҳоя хурсандимиз. Ғалабаларимиз замирида корхонамизда спортга, соғлом турмуш тарзига берилмаган эътибор самараси етибди, десам муболага бўлмайди. Мусобақа ташкилотчиларига ушбу ажойиб турнирни уюштиришгани учун миннатдорлик билдирамиз.



Биринчи бўлимда МАТБ жамоаси катта куч билан ҳужумга ўтди. Кетма-кет ҳужумлар голлар билан якунланди, ҳисоб 3:0 кўринишига келди. Бир қарашда МАТБ бундай устунлиқни энди қўлдан бой бермайдиган, ғалабани узида сақлаб қоладигандек эди. Аммо "Электрон ҳукумат" футболчилари ўзларини йўқотиб қўйишмади. Интилиш ўз самарасини берди: иккинчи бўлим охирига келиб, 3 тўплик фарқни йўққа чиқариш улдасидан чиқишди. Сўнгги сонияларда эса ҳар иккала жамоада қўлай вазиятлар юзага келди. Дарвозабон ва ҳимоячилар маҳоратига ғолиблик тақдирини пеналтилар серияси ҳукмига топширди. Бунда омад "Электрон ҳукумат" жамоасига кулиб бокди:

МАТБ — Электрон ҳукумат — 3:3 (пеналтилар бўйича 1:3)

Мусобақада илк бора қатнашган жамоа боши узра ғолиблик кубогини кўтариш шарафига эришди. Ажойиб натижа!

Тақдирлаш маросими

Тақдирлаш маросимида Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси А.Ишанходжаев, ТАТУ ректори Ҳ.Муҳитдинов ва бошқалар иштирок этишди. Совриндор жамоаларга ташкилотчилар томонидан махсус совринлар, медаллар ва кубоклар топширилди.

Ўтиш турнири финалчилари — МАТБ ҳамда "Электрон ҳукумат" жамоалари келгуси йилдан "Саралаш турнири"да иштирок этиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишди.



Мусобақа совриндорлари (чақдан ўнгга): МАТБ, Электрон ҳукумат, Мониторинг маркази жамоалари

Саралаш турнири

Кўчма кубок учун Тошкент шаҳар саралаш турнири ўз якунига етди.

Пойтахтнинг сараланган 8 жамоаси икки гуруҳга бўлиниб, мусобақанинг финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи 3 йўлланма учун баҳс олиб бордилар. "А" гуруҳида уч ўйинда 9 очко тўплаб, 1-ўринни қўлга киритган "ТШПТ" жамоаси, "В" гуруҳида уч ўйиннинг баҳсда ғолиб бўлган ТАТУ жамоаси тўғридан-тўғри финал йўлланмасига эга бўлишди.

Ўз гуруҳларида иккинчи ўринни қўлга киритган БРМ ҳамда UCELL жамоалари 3-йўлланма учун узаро баҳс олиб борди. Уйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисобида дуранг билан якун топди. Пеналтилар сериясида UCELLнинг қўли баланд келиб, кузда бўлиб ўтадиган Кўчма кубок финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ҳаракатга яраша...

Термида мини футбол бўйича Кўчма кубок соврини учун анъанавий саралаш мусобақаси ўтказилди. Беллашувда вилоятнинг 12та алоқа корхонаси иштирок этди. Жамоалар орасида "ЎзМобайл" филиалининг Сурхондарё участкаси ҳаваскор спортчиларига тенг келадигани топилмади. Улар финал баҳсида юселчилардан 2:1 ҳисобида устун келишди.

Кўчма соврин учун ўтказилган мусобақа ғолибларига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг биринчи даражали дипломи топширилди. Энди "ЎзМобайл" филиали мини футбол жамоаси жорий йил кузида мусобақанинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

Нортожи ЗИЁЕВ,

"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

Мамлакатимизда муборак Рамазон ойи ҳар йили меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва тотувлик муҳитида, миллий анъана ва қадриятларимиз эъозланган ҳолда ўтказилади. Бу йили Рамазон ҳам халқимиз томонидан қувонч билан кутиб олинди. Ушбу муборак айда хонадонингизга тинчлик, хотиржамлик, файзу барака тилаймиз. Барчамизга Рамазон муборак бўлсин!

Рамазон ойи тақвими

Руза кунлари	Июн-Июл	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши (оғиз ёпиш)	Ифторлик (оғиз очиш)
1	18	пайшанба	3:19	19:59
2	19	Жума	3:19	19:59
3	20	шанба	3:19	19:59
4	21	якшанба	3:20	19:59
5	22	душанба	3:20	20:00
6	23	сешанба	3:20	20:00
7	24	chorshanba	3:20	20:00
8	25	пайшанба	3:21	20:00
9	26	Жума	3:21	20:00
10	27	шанба	3:21	20:00
11	28	якшанба	3:22	20:00
12	29	душанба	3:22	20:00
13	30	сешанба	3:23	20:00
14	1 июл	chorshanba	3:23	20:00
15	2	пайшанба	3:24	20:00
16	3	Жума	3:24	20:00
17	4	шанба	3:25	19:59
18	5	якшанба	3:25	19:59
19	6	душанба	3:26	19:59
20	7	сешанба	3:27	19:59
21	8	chorshanba	3:27	19:58
22	9	пайшанба	3:28	19:58
23	10	Жума	3:29	19:57
24	11	шанба	3:29	19:57
25	12	якшанба	3:30	19:56
26	13	душанба	3:31	19:56
27	14	сешанба	3:31	19:55
28	15	chorshanba	3:32	19:55
29	16	пайшанба	3:33	19:54
30	17	Жума	3:34	19:54

Руза тутиш (оғиз ёпиш) дуоси:

Навайту ан асума совма шаҳри рамазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таваля. Аллоҳу акбар.

Маъноси:

Рамазон ойининг рўзасини субҳдан то кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун. Аллоҳ буюқдир.

Ифторлик (оғиз очиш) дуоси:

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва аълайка таваккалту ва аъла ризқиқа афтарту, фағфирли йа гоғфарума қодамту ва ма аххорту бироҳматика йа архамар роҳимийн, Аллоҳу акбар.

Маъноси:

Эй Аллоҳ, ушбу Рўзамни Сен учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккул қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни авф қилгучи Зот, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгин.

Ташкентдан бошқа шаҳарлардаги вақтлар фарқи (лаҳиқа)

Аввал: Қўқон (7), Наманган (10), Фарғона (10), Марғилон (10), Андижон (12).

Кейин: Жиззах (6), Гулистон (7), Денов (7), Самарқанд (9), Шаҳрисабз (10), Каттакўрғон (12), Қарши (9), Нурота (14), Навоий (19), Бухоро (21), Хива (35).



MUTOLAA

Саҳро мўъжизалари

Давр ўтиши, календарнинг янги саналарига навбат келиши билан замон ва маконда турли янгиликлар содир бўлади. Одам ҳаёт экан, табиатда у билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар тарих китоби зарварақларида сўнгги маълумот сифатида битмаверди. Бу жараён сўз санъатининг маҳсули бўлиши адабиётни ҳам четлаб ўтмайди. Адабиёт ҳаёт ҳақиқатларидан энг ибратлиларини асрлардан асрларга олиб ўтаверади.

Навоийлик кекса адиб Ҳамдам Эшонқуловнинг "Саҳро мўъжизалари" асарини ҳам ана шундай вазифани адо этган китоблардан бири дейиш мумкин.

Адиб Қизилқум бағрида ўсиб-улғайганлиги сабабли бу китобда ўзи яхши билган ўша муҳит кишиларининг турмуши, яшаш тарзи, табиат ва инсон муносабатларини ёритади. Асардаги одамлар чўл ва тоғ фарзандлари. Адиб ҳаёт ҳақиқатларини ёритиш асносида табиатни инсондан айри тасаввур этмайди.

Ўқувчи ўсмир Асрор яраланган кақлиги билан бирга соғайиб, тоғ-тошларни кезади, сой ва булоқларни кечади. Муқаддас заминга меҳри тобора ортиб бораверади.

Асар ўқувчиларда яна бир тасаввурни пайдо қилади: Қизилқумда от инсоннинг қаноти.

"От минган чавандознинг юраги кураш тушган полвоннинг юраги билан тенг келармиш. Бундай кишилар кўпқари чопганда ер юзидаги бор ғам-ғуссани унутиб, ўзини яратганга яқин олиб, катта куч-қувватга эга бўлармиш" каби жумлалар, Қанотбой оқсоқолнинг қиссасида келтирилган отнинг минг бир хислати, "Йилқибокларнинг гап халтаси"даги турли ривоятлар агар ҳаёт бўлганида атоқли адиб Тоғай Муродни ҳам бефарқ қолдирмасмиди...

"Йилқибокларнинг гап халтаси"дан келтирилган "Қоноқ таъмини олган отлар" ривояти ўқувчи учун улкан тарбиявий аҳамиятга эга. Қоноқ мазасини татиغان отлар ҳеч қачон ўз эгасига хиёнат қилмаслиги азалий ҳақиқат. Шундай ҳақиқатки, нафс ҳукмига берилмай меҳр кўрган, туз ялаган жойига умрбод содиқ қолиш отга хос хусусият.

От ва Меҳр гоёси "Гап меҳрда экан-да!" ҳикоясида ҳам халқона самимият билан ифодаланган. Олис сафардан қайтган савдогарнинг эти суюғига ёпишган оти меҳрга ташна, гап "ошда ҳам, мошда ҳам" эмас, ҳаммаси иссиқ қафтда. Ахборот алмашинуви шиддатли тус олган ушбу даврда ўсмирлар учун бундай ҳикоятлар қалб малҳами бўлса, ажаб эмас.

Асардаги кичик лавҳали ҳикоялардан она тили, ўзбек тили дарсларида матн сифатида фойдаланиш мумкин.

Асар тили ниҳоятда содда, баъзи ўринлари бахшиёна. Хусусан, мен ўзбек бўла туриб ҳеч қачон эшитмаган табиатга хос айрим турдош от сўзларини, тасвирий ифодаларни ўзим учун кашф этдим.

Азиз ҳамкасблар, бу асар соҳамиз фидойилари учун ҳам маънавий озуқа манбаидир. Китобни ўқиганда, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Ойдин ҲОТАМОВА,

Зарафшон компютер технологиялари коллежи ўқитувчиси

Оғиз

Адабиёт — кўнгил иши, илҳом самараси. Туйғусиз, илҳомсиз ёзилган асар чагланмаган гулга ўхшайди — мева тугмайди. Кўнгил рози бўлган асаргина китобхоннинг кўнглига йўл топади, китобхоннинг кўнглида мева тугади...

Абдулла КАҲҲОР

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗОҲИДОВ (Ҳайъат раиси), Иброҳим ЖҲРАЕВ, Абдурашид АБДУМУМИНОВ, Ҳаким МУҲИТДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Лутфиялло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўричилиги таҳририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-665 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 12432 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Усмоножон ЙҮЛДОШЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 715-87-21

Гулистонда 240-00-46

Жиззахда (94) 199-95-64

Навоийда 225-91-10

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 230-64-80

Термизда (91)235-88-68

Тошкентда 288-40-66

Ургачда (90) 713-21-40

Фарғонада 244-18-05

Қаршида (93)931-08-99